

ШАРТНОМА № 20109

Андижон шаҳар

“ 13” Май 2022 йил

Ўз низомига асосан фаолият юритувчи “MASTER FOOD 2020” МЧЖ бундан кейин “Бажарувчи” деб юритилади, унинг номидан шахсан раҳбари А.Ғаниев бир томондан Андижон давлат университети академик лицейи директори У.Валиев иккинчи томондан бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади қуйидаги мазмундаги шартномани туздик :

1.Шартнома предмети.

1.1. «Бажарувчи» ўзи бажариши керак бўлган ва келишилган қуйидаги 3 маҳал иссиқ овқат махсулотларини тайёрлаб (бажариб) беради, «Буюртмачи» эса ушбу бажарилган хизматларни ўрнатилган тартибда қабул қилиб олиб, ҳисоб-китобларни амалга оширади.

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Кун	Сони	Нархи	Умумий Суммаси
1	3 маҳал иссиқ ва сифатли овқат билан таъминлаш Апрель ойи учун	Сум	26	2570	26600	68 362 000
2	3 маҳал иссиқ ва сифатли овқат билан таъминлаш Май ойи учун	Сум	26	2570	26600	68 362 000
3	3 маҳал иссиқ ва сифатли овқат билан таъминлаш Июнь ойи учун	Сум	10	1000	26600	26 600 000
	3 маҳал иссиқ ва сифатли овқат билан таъминлаш Сентябрь ойи учун	Сум	25	2570	26600	68 362 000
	Жами:					231 686 000

Шартноманинг умумий суммаси: **Икки юз ўттиз бир миллион олти юз саксон олти минг (суз билан) сўмни ташкил этади.**

2.Шартноманинг қиймати ва ҳисоб– китоб тартиби

2.1. Ҳисоб китоб “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Ғазначилик тизимидан ,рўйхатдан ўтгандан сўнг 10 банк иш кунда “Буюртмачи” кўрсатган хизматларни умумий суммасининг 30 % ни олдиндан аванс тариқасида “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охириги 70% ни «Бажарувчи» томонидан кўрсатилган хизматлар ҳисоб варақ фактуралари асосида топширилгандан сўнг 30 кунда ўтказиб беради.

3.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1.Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. «Бажарувчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

-Берилган буюртманомга (таомнома)га мувофиқ кўрсатилган хизматларни бажариб беради.

-Агар хизмат кўрсатиш ёки ишларни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни баратараф этишга мажбурдир.

3.3. «Буюртмачи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари :

- Тайёрланган махсулотни талаб даражасида бўлишини «Буюртмачи»дан талаб қилишга;

-Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини «Бажарувчи» дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ни белгиланган вақтда етказиб бермаганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи» га ўтиб кетган муддатнинг ҳар бир банк куни учун бажарилмаган ишларнинг қийматидан 0.1 % миқдорда, лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган миқдорда жарима тўлайди.

4.2. Ишларни бажариш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун «Буюртмачи» га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган хизматларнинг 25 % миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Буюртмачи» га хизматларни бажариб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

4.3. Ишларни бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажариб берилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0.5 % миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматнинг қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5. Низоларни ҳал этиш тартиблари

5.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қоидага кўра мустақил равишда улар судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6. Форс – мажор.

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар “ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари”, агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

7. Бошқа шартлар.

7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда ҳўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

7.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган булиб, унинг бир нусхаси “Бажарувчи” да иккинчи нусхаси “Буюртмачи” да сақланади.

8. Шартнома муддати.

8.1. Шартнома тегишли газначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

8.2. Шартнома муддати тегишли Газначилик тизимидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб “31” Декабрь 2022 йилгача амал қилади.

9. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.

«Бажарувчи»

“MASTER FOOD 2020” МЧЖ
Маъроф МФЙ Темир йўл еор кўча 10-б уй
Х/Р 2020 8000 9051 2473 0001
ИНН 306 722 687
МФО 00079



Рахбари:

А.Фаниев

«Буюртмачи»

Андижон давлат университети
академик лицейи
Манзил: Анд шаҳар Университет 129а уй
Ш/хв 400810860034017092500079001
ИНН: 205226627 Оқонх: 92200
Ўзбекистон Республикаси молия
вазирлиги Газначилиги
МБ ББ ХҚМ Тошкент шаҳри
Х/р. 23402000800100001010
Сти. в. 201-122919- МФО: 00014
Директор: Валиев
Хуқуқшунос

